## Касаба уюшмалари фаолиятидан

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Истиқлол шарофати билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа қатор қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётган Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан жойларда байрамона учрашув ва кечалар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ташкил этилди.**

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдеври ҳисобланмиш Конституция давлатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, инсон манфаатлари ва ҳуқуқ, эркинликларининг ҳимояси йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда айтиб ўтилгандек, бу борада Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши юридик хизмати томонидан режа асосида жорий йил давомида 12 та ташкилотда Меҳнат кодекси, жамоа шартномалари, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлари мавзуларига бағишланган ўқув-семинарлар ташкил этилди. 102 та турли йўналишларда фаолият олиб бораётган корхона, муассаса, ташкилотларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва касаба уюшмалари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотларида давра суҳбатлари, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

– Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз ташаббуслари билан озодлигимизни асраш, инсон эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, асрий обидаларимиз ва қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилди, – деди жумладан, ўз сўзида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидов. – Дарҳақиқат, қисқа вақт ичида улкан натижаларга эришганлигимиз хориж мамлакатларида алоҳида эътироф этилаётир. Хорижлик машҳур профессорлар томонидан мамлакатимиз ҳаёти ёритилган китоблар чоп этилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, мустақилликка эришиш осон кечмади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг ташаббускорлиги ва одилона, теран фикрлашлари, аввало, халқ озодлиги ва эркинлигини таъминлаш йўлида олиб борган оқилона сиёсати, шунингдек, ота-боболаримиз орзулари ушалишига бўлган ишитиёқ муҳим омил бўлди. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккки, Конституция асосида ишлаб чиқилган барча қонунларни бир бинонинг устунлари сифатида тасаввур қиладиган бўлсак, Бош Қомусимизнинг унинг асосий пойдевори эканлигини англамоқ зарур.

Қизиқарли тарзда ўтган тадбир давомида мутахассислар томонидан барча иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди ҳамда касаба уюшмалари тизимида самарали фаолият олиб борган қатор ходимлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Садоқат АСЛАНОВА**

## Шаҳар хўжалиги мавзуида

# РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

**Шаҳримиздаги бошқа туманлар қатори Яккасарой тумани ҳудудида жойлашган уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёргарлигини таъминлаш, ободонлаштириш ҳамда кўчаларнинг озодалигини сақлаш, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилган бўлиб, режали асосда ҳаётга татбиқ этилмоқда.**

Шунга асосан, туман бўйича кенг қамровли бунёдкорлик ишлари йўлга қўйилган. Бугунги кунда Яккасарой туманида мавжуд кўп қаватли уй-жой фондининг қиш мавсумида барқарор ишлашини тизимли ташкил этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Тумандаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган 87 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Туманда 7 та бошқарув сервис компаниялари ташкил этилган бўлиб, компанияларнинг халққа хизмат кўрсатиш ишлари даражаси кўтарилган.

Туманда яқинда қад ростлаган 12 та замонавий коттежлардан иборат «Коттежлар шаҳарчаси» ҳам ён-атрофга ўзига хос чирой бағишламоқда. Бош пудратчи «Қурилиш индустрия ҳажмли уй-жой» МЧЖнинг қўли гул бунёдкорлари томонидан қуриб битказилган коттежларнинг барча қурилиш материаллари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганлиги эътиборга лойиқдир.

Шунингдек, ҳозирги кунда 91-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида жорий таъмирлаш ишлари қизғин паллага кирган. Тез орада бугунги кун талабларига жавоб берадиган ушбу мактаб биноси янгидан чирой очади.

Жойлардаги масъул ходимларнинг ва уларга бириктирилган ҳудуд раҳбарларининг асосий эътиборлари кўчаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, маҳаллаларда жойлашган асосий муҳандислик-коммуникация тармоқларини қиш мавсумига барқарор тайёрлаш, табиий газ, электр энергияси таъминотидан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, истеъмолчиларга кўрсатилаётган коммунал хизмат учун дебиторлик қарздорликларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳсулотлар заҳирасини яратишга йўналтирилган махсус дастурга амал қилиш каби вазифаларни бажаришга қаратилган.

Хусусан, Яккасарой туманида жойлашган тижорат банкларини мақсадли йўналишда маҳаллалар, турар жойлар ва бошқа ижтимоий соҳадаги объектларга бириктириш ишлари ҳам самарали натижа бермоқда.

Кўп қаватли уй-жой фондининг қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш соҳасида бажарилиши зарур бўлган ишлар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари, маҳаллалар раислари, ҳудуд раҳбарлари, бириктирилган тижорат банклари, корхона ва ташкилотлар томонидан мунтазам амалга оширилмоқда.

**Баҳодир ЮСУПОВ**

# БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ...

**Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасида ушбу соҳа ходимлари малакасини ошириш бўйича маслаҳат ва ўқиш йўлга қўйилган. Бу борадаги ишлар самарадорлигини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва бажарилган ишлар натижалари юзасидан мониторинг ўтказилмоқда.**

– Туманимизда 329 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бўлиб, улар 1357та кўпхонадонли уйга хизмат кўрсатади, – дейди Мирзо Улуғбек тумани хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Фарруҳ Аҳмаджонов. – Биз ушбу ширкатлар фаолияти устидан мониторинг ўтказамиз ва зарур ҳолларда уларга ёрдам кўрсатамиз, жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари ва аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича иш олиб борамиз. Бу борада уларни қонунчилик асослари, ҳуқуқ ва бурчлар билан таништирамиз, аввало, 2006 йил 12 апрелда қабул қилинган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талаб ва қоидаларини тушунтирамиз. Уюшма негизида кичик хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига тез техник ёрдам кўрсатадиган махсус авария хизмати ташкил этилмоқда.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрди. Бу борада иситиш тизимлари профилактикаси олиб борилди, муҳандислик коммуникациялари ва уйларнинг томлари таъмирланди. 5148 та йўлак, 1395 та иссиқлик узели, 20 та лифт таъмирланди, 20 та уй капитал таъмирдан чиқарилди. Кўпхонадонли уйларда истиқомат қилувчиларнинг ўзлари умумий фойдаланиш жойлари, қувурлар ва ертўлалардаги бошқа ускуналарни батартиб сақлашга ҳаракат қилаётгани эътиборга сазовордир.

Бу борада «Pokiza-kommunal servis» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ибратли ишларни амалга оширмоқда.

– Ширкатимиз ташкил этилганига бир йил бўлди, – дейди «Pokiza-kommunal servis» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Феруза Муҳаммадаминова. – Ўша пайтда уй у қадар яхши аҳволда эмасди, айрим хонадонлар яхши иситилмас, томнинг баъзи жойларидан чакка ўтарди. Маҳалла раислари ва уларнинг ёрдамчилари билан биргаликда ишга киришдик, бошқарув компаниясидаги коммунал хизматлар ишини назорат қилдик, зарурат туғилганда уларга ёрдам бердик. Энг муҳими, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлади, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашди. Натижада уйимиздаги шароит яхшиланди. Олтита йўлакнинг ҳаммаси таъмирланди, даставвал ертўладаги эскирган қувурлар алмаштирилди, том таъмирланди, ишдан чиққан иссиқлик узеллари тозаланди ва янгиланди. Шунингдек, уйимиз жойлашган ҳудуд ҳам тартибга келтирилди, янги ниҳоллар, яшил буталар экилиб, йўллар асфальтланди. Энди хонадонларимиз ҳамиша иссиқ, уй атрофидаги ҳудуд кўзни қувонтиради.

Мирзо Улуғбек туманида 30 та профессионал бошқарув компанияси фаолият юритади. Аҳоли тўртта хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига хизмат кўрсатадиган «Бекзодбек сервис» масъулияти чекланган жамияти бошқарув компанияси хизматидан мамнун. Ушбу бошқарув компанияси ширкатлар талабномасига кўра, ҳар хил ишларни бажаради. Жорий йилнинг ўзида 1200 квадрат метр асфальт ётқизилди, 60 та тарнов тўплами ўрнатилди, элеватор узеллари, иситиш тизимида профилактика ишлари олиб борилди, 79 та йўлак таъмирланди. Пайвандчи ва электрчи навбатчилиги мунтазам йўлга қўйилган бўлиб, улар зарур ҳолларда керакли жойга тезда етиб боради. Бу ерда истиқомат қилаётганларга кўрсатилаётган ҳар томонлама ва тизимли эътибор ўз самарасини бермоқда, улар орасида коммунал хизматлар бўйича қарздорлар йўқ. Коммунал хизмат ҳақларининг ўз вақтида тўлаб борилиши бошқарув компаниясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмати сифатини янада яхшилаш имконини бермоқда.

**Р.БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

## Қарор ва ижро

# МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДОШИЛМОҚДА

**Ҳар бир вазифани бажаришдан аввал унга масъулият билан ёндошилса, кўзланган самарани бериб, келгусида муаммолар бўлмайди. Айни пайтда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ҳақида ҳам мана шуни алоҳида таъкидлаш лозим. Тараддуд пухта бўлса, хизмат кўрсатиш ҳам кўнгилдагидек амалга ошади, мавсумда узилишлар, нохуш ҳолатлар кузатилмайди.**

— Қиш тайёргарликни ёқтиради, деган иборага амал қилган ҳолда жамоамиз ходимлари мавсум тадоригини муваффақиятли амалга оширишга ҳаракат қилишди, — дейди «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасининг «Тошкентшаҳаргаз» филиали директори Тимур Грабович. — Белгиланган барча чора-тадбирлар режаси ўз вақтида адо этилишига эришилди. Жумладан, газ қувурларини мукаммал таъмирлаш, юқори ва ўрта босимли газ тартиблаш пунктларини техник тафтишдан ўтказиш, ер ости газ қувурларини асбоблар ёрдамида текшириш, ер усти газ қувурларини таъмирлаш ва бўяш, босим остида текшириб тозалаш, газ босими паст бўлган ҳудудларда гидравлик режимни яхшилашни мақсад қилган ҳолда қўшимча газ қувурлари ва 10 та газ тартиблаш пунктларининг босим созлагичларини янгисига алмаштириш ишлари бугунги кунда тўлиқ амалга оширилди. Буларнинг барчаси истеъмолчиларни мавсумда «зангори олов» билан узлуксиз ва хавфсиз таъминлашда, сифатли хизмат кўрсатишда ҳамда бебаҳо неъмат тежамкорлигига эришишда муҳим ҳисса бўлади.

— **Истеъмолчилар томонидан фойдаланилган табиий газ тўловлари ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?**

— Аввало шуни айтишим лозимки, истеъмолчилар ҳам ўз мажбуриятларини тўла англаган ҳолда фойдаланилган газ ҳақини вақтида тўлашлари лозим. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги қарорига асосан истеъмолчилар ҳар ойнинг 10-кунига қадар ўтган ойда ишлатилган табиий газ тўловларини амалга ошириши шарт бўлиб, акс ҳолда муддати ўтган ҳар бир кун учун устама қўшиб ҳисобланиши белгиланган. Лекин айрим фуқароларимиз хизматдан фойдаланишмоқдаку, ҳақини тўлашда лоқайдликка йўл қўйишаяпти. Шу боис ҳам қонунга асосланган ҳолда газдан қарздорлиги ошиб кетган хонадонлар газ тармоғидан узилиб, тегишли ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида огоҳлантирилган қарздорлардан 11407 таси газ тармоғидан узиб қўйилди. Шундан 5708 нафар истеъмолчилар томонидан 2,296 миллиард сўм дебиторлик қарздорлик ундирилди. Шунингдек, аҳоли томонидан тўловларни вақтида амалга оширмаганлиги учун 28124 та даъво ҳужжатлари фуқаролик судларига топширилди. Натижада 19440 нафар истеъмолчидан 6,118 миллиард сўм қарздорлик ундирилган ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб айтаманки, сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш — шаҳримиз газ хўжалиги ривожида муҳим аҳамият касб этиб, газ қувурлари ва иншоотларни сифатли таъмирлаш, истеъмолчиларга хатарсиз ҳамда мунтазам «зангори олов» етказиб бериш имкониятини яратади.

— **Табиий газдан ноқонуний фойдаланаётган истеъмолчиларга қандай чоралар кўрилмоқда?**

— Афсуски, бундай ҳолатлар учраб турибди. Бу борада филиалимиз ва «Ўздавнефтгазинспекция» Тошкент шаҳар бўлими ходимларидан ташкил этилган ишчи гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан тумангаз хизматларида тармоққа ноқонуний уланган бир қанча юридик ва жисмоний шахслар аниқланмоқда. Қонунбузарлар газ тармоғидан узилиб, келтирилган моддий зарар ундириляпти. Жорий йилнинг 9 ойи давомида аниқланган ана шундай ҳолатлар бўйича 83833,6 минг сўмлик моддий зарар ундирилди.

— **Шу ўринда истеъмолчиларга газ асбобларидан фойдаланишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар хусусида ҳам маълумот берсангиз...**

— Фурсатдан фойдаланиб, истеъмолчиларга таъкидлаб ўтаманки, газдан фойдаланиш чоғида рўй берган кўнгилсиз ҳодисалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бунда асосан қоидаларнинг қўпол равишда бузилиши сабаб бўлмоқда. Ҳар бир истеъмолчи табиий газ ёнган вақтида сув буғлари ва углекислота газлари ажралиб чиқишини билиши лозим. Шу боис ҳам газ асбобларини ишлатганда шамоллатиш йўллари доимо соз, дераза дарчалари ҳаво кириб туриши учун очиқ бўлиши керак.

Мавсумга ҳозирлик пайтида газ асбоблари ўрнатилган хонадаги мавжуд дудбурон ва шамоллатиш йўллари кўрикдан ўтказилиши, носозликлар вақтида бартараф этилиши лозим. Шунингдек, газ асбобларининг беҳуда ишлашига йўл қўйиш, уларни қаровсиз қолдириш, ностандарт асбоблардан фойдаланиш, ўзбошимчалик билан уланиш, резина ичаклар орқали улаш газдан бўғилиш, заҳарланиш, ёнғин ва портлаш каби бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлишини унутмаган ҳолда газ асбобларини ўрнатиш ҳамда таъмирлаш бўйича тумангаз хизмати мутахассисларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Яна шу нарсага эътиборли бўлиш кераккки, хонадон, ертўла ва йўлакларда газ ҳиди сезилса, дарҳол туманлардаги ёки марказий авария-диспетчерлик хизматига қўнғироқ қилиш даркор. Ҳар биримиз эҳтиёткорлик билан газдан фойдаланиш қоидаларига амал қилсак ва тўловларни вақтида бажарсак, «зангори олов» ҳамиша хизматимизда бўлади.

**Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА**

## Иқтисодиёт

# ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Йилдан йилга юртимиз мебелсозлари томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий дизайнга эга бўлган сифатли маҳсулотлар кўпайиб, улар харидор талаб ва эҳтиёжини қондирмоқда. Бу борада тадбиркорларимизнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорни чуқур ўрганишдаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш ўринли.**

«MAGNUM MEDIKAL SERVIS» масъулияти чекланган жамияти ҳам тиббиёт мебеллари, ускуна ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида муносиб ўринга эга. Мазкур корхона уч йилдан буён фаолият кўрсатаётганига қарамай, кичик бизнес ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб, изланишларни давом эттираётганлар сирасига киради. Бу ерда тайёрланаётган мебеллар ва ускуналар шифохона, санаторий-профилакторий,тиббиёт, жарроҳлик лабораториялари ва уй шароитларида қўлланилади.

Корхонада ҳозирда 50 турдан зиёд «MMS» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган тиббиёт ускуналари жарроҳлик, физиотерапияда қўлланилади. Шунингдек, ҳавони бактериялардан тозаловчи «Кварц» лампалари — осма, столга қўйиладиган ва ҳаракатланувчи бўлиб, уларнинг харидоргирлиги таъминланган.

Корхона тадбиркорлари имкониятлардан оқилона фойдаланиш, доимий изланиш, бозор ва харидор талабларига мос, сифатли ва бирмунча арзон маҳсулот турларини ишлаб чиқариш борасида анчайин ютуқларга эришди. Бу борада корхона кўплаб халқаро кўргазмаларда, тендерларда фаол қатнашади.

Эътиборли томони, жамиятнинг малакали ишчи-хизматчилари бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда тиббий асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйишган. Яъни ускуналарни таъмирлаш, диагностика ўтказиш, техник хизмат кўрсатишни амалга оширишади.

# ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖГА КЎРА

**«Панель пласт» қўшма корхонаси ҳам иш бошлаганига оз муддат бўлганига қарамай, маҳсулотлари харидорини топмоқда.**

Ички бозорни деворбоп материаллар билан тўлдириш, қишлоқ жойлардаги уй-жой қураётган аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш, янги корхоналар ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётганларини модернизация қилиш ҳисобидан сифатли деворбоп материаллар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сарф-харажатларни камайтириш ва тайёр маҳсулотлар нархини пасайтириш имконини берадиган ва энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш мақсадида Юртбошимизнинг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида мазкур корхона фаолият кўрсатмоқда.

Қўшма корхонада пенопористирол ва минерал зарралар асосида безакли фасад элементлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ерда йилига 150 минг квадрат метр фасад ашёлари — дераза токчалари, безак тошлар, часпаклар, тирговучлар, устунлар, иссиқ ўтказмайдиган қоплама панеллар ишлаб чиқариляпти. Муҳими, бу каби қурилиш материаллари тайёрлайдиган корхоналар маҳсулотлари хорижда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

## Транспорт

# ТЕХНИК ДАСТУР ДОИРАСИДА

**«Мерседес-Бенц» русумли автобуслар энг замонавий транспорт воситаси сифатида эътироф қилинган. Уларнинг техник самарадорлигини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.**

Шаҳримиздаги «Мерседес-Бенц» сервис хизмат кўрсатиш маркази томонидан транспорт хизматини янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастур ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Германиядан 400 минг евролик асбоб-ускуна ва мосламалар харид қилиниши ҳам айни муддао бўлди.

Мисгарлик, двигатель таъмирлаш, автомат узатиш қутисини таъмирлаш дастури доирасида техника ижодкорлиги йўлга қўйилди.

# ЙЎЛОВЧИЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

**«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси корхоналарида транспорт воситаларидан унумли фойдаланишга қаратилган техник тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Транспорт таркибини янгилаш борасида ҳам кўзланган натижалар қўлга киритилмоқда.**

Янги автобусларнинг тасарруфга чиқарилиши муносабати билан хизмат муддатини ўтаб бўлган «Лаз», «ПАЗ» русумидаги автобуслар ҳисобдан чиқарилди, эндиликда йўналишларда фақат «Мерседес» ва «ИСУЗУ» русумидаги автобуслар ҳаракатланаётир.

Автобус саройлари, трамвай депоси, такси саройларида жорий йилга белгиланган режалар ҳам ўз вақтида адо этилмоқда.

Шунингдек, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш тадбирлари кўрилди, кузги-қишки мавсум тайёргарлигини ўз вақтида таъминлашга жиддий эътибор берилди.

**Акбар АЛИЕВ**

**Тошкент автомобиль ва йўллар институтида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг мустақилликни қадрлаш, асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ва ўзликни англашга даъват этувчи тарихий манба сифатидаги аҳамиятини кенг тарғиб этишга бағишланган тадбир ташкил этилди.**

Анжуманлар

# ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ БОЙИТИШ ЙЎЛИДА

Китобга киритилган нутқ ва маърузалар ўша даврдаги ўта драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларда амалга оширилгани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатларини атрофлича ёритиб бергани билан аҳамиятлидир.

– Мазкур китоб моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш озод ва эркин ҳаётимизни қадрлаш, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий тафаккуримизни бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади, – дейди институт ректори М.Икромов. – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида чоп этилган мазкур асар мустақиллигимиз тарихини ўрганиш борасида ғоят муҳим ва қимматли манбадир. Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичлари, Ватанимиз мустақиллиги, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва ғоялар ҳамда уларни амалга ошириш жараёнлари ҳақида теран тасаввурлар беради.

Тадбирда мазкур китобга кирган, бугун биз учун ноёб манбага айланган ҳужжатлар, Президентимизнинг мустақил давлат барпо этиш йўлида кўрсатган буюк жасорати ҳар бир юртдошимизни истиқлолнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб яшашга ундаши, халқ орасида мазкур китоб моҳиятини чуқур тушунтириш ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти С.Ғуломов жорий йилнинг 9 ойида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– Жаҳонда ислоҳотларнинг «Ўзбек модели» сифатида кенг эътироф этилган ўз ривожланиш моделини изчил ва аниқ мақсадларга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туфайли, давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамай, жаҳондаги унча кўп бўлмаган мамлакатлар қаторида республикамизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг изчил юқори суръатлари сақланиб қолмоқда,–дея таъкидлади ўз маърузасида С.Ғуломов ва жорий йилда турли соҳалар бўйича ўсиш суръатларини таҳлил қилди.

Тадбир якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва бу борада институт жамоаси олдида турган муҳим вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш, шунингдек, келгуси йилларда таълим муассасаси моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

**Нигора ТЎЛАГАНОВА**

# МАДАНИЯТ МАРКАЗИНИНГ ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ

**Шаҳримиздаги Тамарахоним уй-музейида Ўзбекистондаги Украина маданият маркази, «Ўзбекистон — Украина» дўстлик жамияти ташаббуси билан дўстлик кечаси уюштирилди.**



Тадбирда мамлакатимиздаги Украина маданият марказининг «Славутич» маркази, «Ўзбекистон — Украина» дўстлик жамияти фаоллари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талаба, ўқитувчилари ҳамда шаҳримизнинг кенг жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Йиғилганлар Киевда ўтказилган халқаро пазандалик мусобақаларида ўзбекистонлик қўли гул ошпазларнинг иштироки тўғрисидаги видеолавҳаларни завқ билан томоша қилишди.

Тадбир давомида моҳир ошпаз Суннатилла Сулаймоновнинг ёш шогирдлари карвинг мастер классини намойиш этдилар ва ўз маҳоратлари билан йиғилганларни хушнуд қилдилар.

Турли миллат ва маданиятлар вакиллари иштирокида ўтган тадбир давомида Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари ва устозлари ижросидаги жаҳон халқлари қўшиқ ва рақслари барчага хуш кайфият бахш этиб, йиғилганларни даврага чорлади.

**Флора ФАХРУТДИНОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти ва Самарқанд Давлат университетининг ядровий физика лабораторияси томонидан «Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материалларининг радиацион назоратини амалга оширувчи синов лабораториясини ташкил этиш» лойиҳаси юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди.**

Тақдимот

# ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида ўтказилган мазкур тадбирда соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маълумки, республикамизда Юртбошимиз раҳнамолигида аҳоли соғлиғини доимий равишда назорат қилиб бориш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ҳамда четдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг радиациявий хавфсизлигини таъминлаш ва уларни назорат қилиш борасида муҳим ишлар қилинмоқда. 2010 йилда республикамизда қабул қилинган «Санитария қонунлари ва нормалари» номли янги меъёрий ҳужжат бунга мисол бўла олади. Унга қатор талаблар билан бирга озиқ-овқат маҳсулотларининг радиациявий хавфсизлигини текшириш ҳам киритилган.

– Юртимизга олиб кирилаётган ва экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг экологик ҳамда гигиеник тозалигини кафолатловчи сертификат жуда муҳим саналади. Қабул қилинган қонун ва меъёрлар озиқ-овқат маҳсулотларида цезий ва стронций радионуклидлари миқдорининг хавфсизлик даражаси аниқланиши имконини яратади, – дейди Фанлар академияси Ядро физикаси институти директори Умар Салиҳбоев. – Шу сабабли республикамизда замонавий спектометрик ўлчов асбоблари билан жиҳозланган ҳамда ядро спектрометрияси соҳасида малакали кадрлар фаолият юритадиган ҳудудий лабораторияларни ташкил этиш эҳтиёжи юзага келди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасига грантли беғараз техник кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ бу жараёнга беғараз хориж грантларини жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ЎзФА Ядро физикаси институти томонидан Буюк Британия билан ҳамкорликда бешта инновацион лойиҳа бажарилиб, 151 иш ўрни яратилди. Улардан бири – «Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш материалларининг радиацион назоратини амалга оширувчи синов лабораторияси ташкил этиш» лойиҳасидир. Санитария нормаларида бошқа талаблар қаторида озиқ-овқат маҳсулотлари радиациявий хавфсизлиги талаблари ҳам белгиланган.

Жорий йилнинг ўтган ўн ойида озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш материалларини гигиеник сертификациялашга оид 1,5мингдан ортиқ таҳлиллар ўтказилди.

Келгусида шунингдек, ичимлик суви ва металл маҳсулотларининг радиацион хавфсизлиги ва бинолардаги радоннинг миқдорини аниқлаш бўйича таҳлиллар олиб боришни йўлга қўйиш мақсадида ҳудудлардаги санитария назорати марказлари ва «Ўзстандарт» агентлиги билан изчил ҳамкорликни кучайтириш режалаштирилган.

Анжуманда аҳоли саломатлигини таъминлашга хизмат қилувчи шу ва бошқа маҳсулотлар ҳақида сўз юритилди, қатнашчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоблар берилди.

**Садоқат ИСАЕВА**

**Шаҳримиздаги Ёшлар ижод саройида «Шахсий кўргазмалар» туркумига кирувчи навбатдаги бадиий кўргазма бўлиб ўтмоқда. Унда ёш рассом Ўктам Саидовнинг асарлари намойиш этилмоқда.**

Кўргазмалар

# ЭНГ САРА ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Рассом Ўктам Саидов 1997 йили Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг дастгоҳли рангтасвир бакалавр босқичига кириб, 2004 йили магистратурани аъло баҳоларга тугатган. Ўқиш йилларида Муҳаммад Нуриддинов, Маннон Саидов, Неъмат Қўзибоев, Раҳим Аҳмедов каби бир қанча профессор-ўқитувчилардан рангтасвир сирларидан сабоқ олган.

Ҳозирда Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ ҳайкалтарошлик кафедрасида талабаларга чизматасвир фанидан дарс бериб келмоқда.

Рассомнинг «Келин», «Ишонч» ва «Баҳор» каби асарларида миллий руҳ ва рамзий маъно ҳис этилади. Ёрқин ва қизиқарли натюрмортларда ўзбек заминининг бой, серҳосиллиги акс этган. Афсона ва ривоятларга хос асарлар сюжети композицион мазмундорлиги билан ўзига хосдир. Ижодкорнинг барча ишларида ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти, анъаналари, урф-одатлари ва Ватанга бўлган муҳаббат ўрин олган.



Ўктам Саидов 2007 йилдан Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. 2003 йилдан бошлаб халқаро ва республикамизда ташкил қилинаётган кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келмоқда. «Устоз ва шогирд» Р. Аҳмедовнинг реалистик мактаби анъаналари» (2004й), «Констелляция Посткриптум» лойиҳаси (2007й), «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъат фестивали (2008, 2010), Тошкент Халқаро замонавий санъат Биенналеси (2009, 2011) шулар жумласидандир.

Кўргазма экспозициясидан рассомнинг «Жонажон ўлка манзаралари», «Натюрморт» ва бошқа мавзудаги 59 та ишлари ўрин олган.

**Даврон ИСМАТОВ**

**Алексей Попов олган сурат**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шуғулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга таклиф этамиз.

*Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устахоналари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.*

**Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

| | |
|---|---|
| «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси | тел.: 233-51-47 |
| «Тошавтобустранс» АК | тел.: 234-90-36 |
| «Чуқурсой автокорхонаси» МЧЖ | тел.: 248-05-56 |
| «Интер-транс-сервис» ҚК ОАЖ | тел.: 272-89-47, 272-68-52 |
| «Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ | тел.: 290-70-17 |
| «Тўртинчи автохизмат» МЧЖ | тел.: 263-38-80 |
| «5-такси саройи» МЧЖ | тел.: 280-60-54 |

**ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи 239-35-21 рақамли «Ишонч телефони» тизими жорий этилди.

**Қўнғироқларингизни кутамиз.**

**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти**

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.** Аукцион савдосига «Ўзкимёсанот» ДАКнинг 30.11.2011 йилдаги 119-сонли буйруғига асосан, «Ўзкимёсанот» ДАКга тегишли, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 38-уй манзилида сақланаётган, «РАФ-220301» русумли, д/р 10AS377 бўлган 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 300 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 12 январь куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 11 январь куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 12 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 16 ва 19 январь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 16 январдаги такрорий савдолар учун 2011 йил 13 январь куни соат 18:00; 19 январдаги савдолар учун 17 январь куни соат 18:00.

**2.** Аукцион савдосига такроран «Ўзкимёсанот» ДАКнинг 26.04.2011 йилдаги 41-сонли буйруғига асосан, «Ўзкимёсанот» ДАКга тегишли, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 38-уй манзилида сақланаётган, «ГАЗ-31029» русумли, д/р 10AR535 бўлган 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 151 100 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 29 декабрь куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2011 йил 28 декабрь куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 29 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 5 ва 9 январь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 5 январдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 3 январь куни соат 18:00; 9 январдаги савдолар учун 6 январь куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 40 фоиз («РАФ-220301» русумли, д/р 10AS377) ва 15 фоизи («ГАЗ-31029» русумли, д/р 10AR535)дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел:228-79-52.

Ҳамза тумани тадбиркор субъектларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2010 йил 8 октябрдаги 003011-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган «MEHNAT INVEST» (СТИР-301714390) шўъба корхонаси тугатилади.

Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 12.12.2011 йилдаги 1 сонли қарорга мувофиқ кредиторлар ва дебиторлар даъволари 1 ой муддатда 298-74-00 тел. орқали қабул қилинади.

Чилонзор туманида 2011 йил 10 февралда №006660-08 рақам билан рўйхатдан ўтган Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 60-уй манзилида жойлашган «BANT-PARDA — SAVDO» МЧЖ (ИНН:301838079) ўз фаолиятини 2011 йил 5 декабрдан тугатади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Оқтепа мавзеси, 20-уй, 24-хонадаги манзил бўйича қабул қилинади.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**I. Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан,** Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2010 йил 1 мартдаги 1-1055/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ибн-Сино-2 мавзеси, 13-уй, 16-хонадон манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 45,49 кв.м, яшаш майдони 29,13 кв.м бўлган, 2 хонали уй-жой қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 15 000 000 сўм.**

**II. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан,** Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2010 йил 31 майдаги 6919-20/6-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Шерозий кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 627 кв.м бўлган, 3 хонали уй қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 74 000 000 сўм.**

**Аукцион савдолари 2012 йил 13 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 11 январь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Такрорий аукцион савдосига Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан,** 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006 ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Дала ҳовличилар» ҳудудида жойлашган, 67-сонли дала ҳовли арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 240 546 671,85 сўм.**

**Аукцион савдоси 2011 йил 28 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2011 йил 22 декабрь куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига такроран «O'ZPAXTASANOAT» уюшмасининг 28.03.2011 йилдаги 41/1-сонли буйруғига ҳамда 25.11.2011 йилдаги мажлис қарорига асосан «O'ZPAXTASANOAT» уюшмасига тегишли, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 8а-уй манзилида сақланаётган «Мерседес Бенц» русумли д/р 10UZ460 бўлган 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 38 000 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 11 январь куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 январь куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 11 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 16 ва 19 январь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 16 январдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 13 январь куни соат 18:00; 19 январдаги савдолар учун 17 январь куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел:228-79-52.

## Спорт янгиликлари

## ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ДУБАЙГА БОРИШАДИ

**Мухлисларга маълумки, 2012 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон олимпик терма жамоаси футболчилари Олимпиада ўйинларига саралаш турнири учинчи босқич мусобақалари доирасида иккита жиддий учрашувда иштирок этишади.**

Олимпиячиларимиз 5 февралда австралиялик чарм тўп усталарини Тошкентда қабул қилишса, 22 февралда Доха шаҳрида Ироқ олимпия термасига қарши майдонга тушишади. Ана шу муҳим баҳсларда фақат ғалаба қозонишга аҳд қилган Вадим Абрамов шогирдлари келгуси йилнинг 5 январида Тошкентда ўқув-машғулот йиғинларини бошлашади. Орадан 9 кун ўтиб олимпиячиларимиз Дубайга йўл олишади. Сўнгги маълумотларга қараганда, ўқув-йиғин машғулотлари доирасида 1 март куни Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Туркиянинг Анталия шаҳрида беларусиялик олимпиячилар билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашади. Дарвоқе, Беларусь олимпия терма жамоаси «Лондон — 2012» йўлланмасини қўлга киритиб бўлди. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси эса ҳозиргача ўз гуруҳида пешқадам бўлиб турибди. Демак Туркияда беларусиялик олимпиячилар билан кечадиган назорат-ўртоқлик учрашуви 14 март куни Тошкентда БАА олимпия терма жамоасига қарши уюштириладиган саралаш турнири баҳси олдидан олимпиячиларимизга ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

## РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

**Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерацияси дунё клубларининг навбатдаги рейтинг жадвалини эълон қилди.**

Унга кўра курраи заминнинг 400 та энг кучли клублари сафига мамлакатимизнинг учта клуби — «Бунёдкор», «Пахтакор» ҳамда «Насаф» командалари ҳам киритилган. Қувонарлиси шундаки, янги рўйхат натижаларига кўра барча клубларимиз юқорироқ поғоналарга кўтарилишга муваффақ бўлишган. Жумладан, ОФУ Кубогининг амалдаги соҳиби «Насаф» миллий чемпионатда иккинчи ўринни қўлга киритганидан сўнг ўтган ойга нисбатан 14 поғонани юқорилаб 94-ўринга чиқиб олди. Шунингдек, «Бунёдкор» 211-ўриндан 204-ўринга лойиқ кўрилган бўлса, Ўзбекистон Кубоги соҳиби «Пахтакор» 353-поғонадан 269-ўринга чиқиб олди.



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

**Грецияда фигурали учиш бўйича уюштирилган халқаро турнир мамлакатимиз вакили Михаил Гега омад келтирди.**

## МИХАИЛ — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Ҳамюртимиз турнирнинг яккалик беллашувларида 199,12 балл жамғариб, АҚШлик Стефан Карьердан кейин иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу медаль Михаилнинг жорий йилги мусобақаларда қўлга киритган иккинчи совринидир. Зеро, август ойида Хитойда ташкил этилган халқаро турнирда ҳам Михаил Гега кумуш медал насиб этган эди.

## ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Франциянинг Париж шаҳрида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.**

Ушбу нуфузли турнирда курраи заминнинг энг кучли спортчиларига қарши ғолиблик учун кураш олиб борган мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари муваффақиятли қатнашиб, келгуси йили Буюк Британия пойтахти Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига бешта йўлланмани қўлга киритишди.

Шуни таъкидлаш лозимки, оғир атлетика бўйича тўрт йилликнинг навбатдаги энг нуфузли турнири — Олимпиадага терма жамоалар 2010-2011 йилларда уюштирилган жаҳон чемпионатларида тўплаган очколари эвазига эга бўладилар. Ёдингизда бўлса, ўтган йили Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган дунё биринчилигида ҳамюртларимиз 116 очко жамғаришган эди. Жорий йил Парижда уюштирилган нуфузли турнирда эса вакилларимиз 75 очко тўплашга муваффақ бўлишди. Ушбу натижа эса Лондон Олимпиадасида қатнашадиган спортчиларимиз сонини кенгайтириш имконини берди. Бу муваффақиятга Руслан Нуриддинов, Шерзод Юсупов, Руслан Макаров, Ғиёсиддин Аҳмедов, Баҳром Мендибоев, Муҳаммад Бегалиев, Иван Ефремов, Руслан Алпанов сингари моҳир спортчиларимиз муносиб ҳисса қўшишди. Айниқса, 94 килограммгача вазнда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Руслан Нуриддиновнинг чиқишлари мутахассислару мухлисларда катта таассурот уйғотди. У силтаб кўтаришда 221 килограмм натижа қайд этиб, жаҳон чемпионатининг кумуш медали билан тақдирланди.

Дарвоқе, Хитой пойтахти Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиадада оғир атлетика бўйича юртимиз шарафини икки нафар спортчи ҳимоя қилган эди. Эндиликда Лондонда айнан шу спорт тури бўйича юртимиз шаънини ҳимоя қиладиган спортчилар сонини янада кўпайтириш имконияти пайдо бўлди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИШ ДОНО БЎЛУР

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Бир бадавлат кишининг яккаю ягона ўғли бўлиб, у ўта такасалтанг ва исрофгар экан. Ота ўғлининг ноқобиллигини билгани учун олдиндан эҳтиёт чорасини кўриб, ўлими олдидан унга васият қилибди:**

**– Эй ўғлим, мен ўлганимдан кейин барча бойликларим сенга қолади. Сен уларни тез кунда беҳуда ва бемаъни ишларга совуриб битиришингни кўнглим сезиб турибди. Қўлингда бирор ҳунаринг бўлмагани учун очлик ва ночорликдан охири ўлимингга рози бўласан. Мен чеккадаги уйнинг шипига бир арқон боғлаб қўйибман – жонингдан тўйсанг, ўзингни ўша арқонга ос.**

**Ота шу гапларни айтиб, жон берибди. Эрка ўғил ўзининг ярамас улфатлари билан маишат қилиб, бор давлатини тез фурсатда совуриб битирди. Пули борида атрофида гирдикапалак бўлган дўстлари ҳеч вақоси қолмагач, унинг уйидан қадамларини узибгина қолмай, у кўчага чиқса, давраларига ҳам қўшишмади. Бировдан на қарз ола олди, на бирор ёрдам. Ишлаб пул топай деса, бирор иш қўлидан келмайди. Гадойчилик қилишдан ор қилиб, охири ўзини ўлдирмоқчи бўлди. Отаси арқон боғлаб қўйган уйга кириб, ўзини унга осди. Лекин шифтга омонатгина қоқилган қозиқ унинг оғирлигини кўтаролмай суғурилиб, у билан бирга ота ўғли учун суваб бекитиб қўйган бойликлар ҳам ерга тушди. Ночор кунларни бошидан кечириб ақли кирган ва пулнинг қадрини тушуниб етган ўғил энди уларни ўйлаб ишлатадиган ва хайрли ишларга сарфлайдиган бўлди.**

* * *

**Бир одам шундай ҳикоя қилган экан:**

**– Бир гал саҳрода адашиб қолдим. Озиқ-овқат тугаб, очликдан ўлар ҳолатга етдим. Шу маҳал бир халтача топиб олиб, зора ичида бирор егулик бўлса деб, шунақанги қувониб кетдимки, ўша қувонч шавқи сира эсимдан чиқмаса керак. Кейин унинг дур-марварид эканини билиб, шунақанги хафа бўлдимки, ўша хафалик аламини ҳам бир умр унутмасам керак.**

* * *

**Бир шогирд устозига шикоят қилди:**

**– Фалон киши мени кўролмайди – ҳасаднинг зўридан тарс ёрилиб кетай дейди.**

**Устози бунга жавобан деди:**

**– Хўш, ҳасад-ку ёмон экан, лекин ким сенга ғийбат яхши деб айтди?! Бошқаларни ёмонлаган кишини ҳам биров яхши демайди.**

* * *

**Бир киши:**

**– Ғийбатдан ўғрилик афзал, –деди.**

**Ҳайрон бўлиб сўрадилар:**

**– Ўғриликда нима фазилат борки, уни ғийбатдан яхши дединг?**

**– Ўғри-ку куч ва ҳийла ишлатиб, жасорат кўрсатиб, ҳеч бўлмаса қорнини тўйғазади. Ғийбатчи эса ҳеч нарса орттирмайди – фақат ўзининг шарманда бўлгани қолади.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**(Давоми бор)**

**Инсонлар хавфсизлиги билан боғлиқ, кўпчилик унча аҳамият бермайдиган бир омил бор — бу ёнғин хавфсизлигидир. Айнан мана шунга эътибор бермайдиган айрим юртдошларимиз ёнғин туфайли нохуш ҳолатларга, талафотларга, ҳатто фалокатларга дуч келаётирлар.**

**«01»**

## «ТИЛСИЗ ЁВ»ГА ЙЎЛ БЕРМАНГ!

Айниқса, кузги-қишки мавсумда ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар нисбатан кўпроқ учрайди. Масалан, носоз ва қўлбола иситиш ускуналаридан фойдаланиш, очиқ оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик ва ҳоказо. Шунингдек, кишиларнинг маст ҳолатда сигарета чекиб, ухлаб қолишлари оқибатида келиб чиқаётган ёнғинларни фаолиятимиз давомида кўп учратамиз.

Ўчирилмаган сигарета қолдиғи нафақат уйларда, балки кўча-кўйда ҳам офат келтириб чиқариши кўп кузатилган ҳолатдир.

«Тилсиз ёв»га йўл бермаслик учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишимиз билан бирга, атрофимиздагиларни ҳам шунга ундашимиз зарур. Айниқса, мактаб ўқувчиларига, болаларимизга ёнғин хавфсизлиги бўйича маслаҳатлар бериб боришимиз жуда муҳим.

Хавфсизлик қоидаларига амал қилсакгина, «тилсиз ёв»нинг олди олинади ва хотиржам ҳаёт кечирамиз.

**М. КАРИМОВ,**
**Тошкент шаҳар 12-ХЁХО инспектори**

## Қатралар

### МЕРОС

— Биласанми, мен ўғлимга қандай мерос қолдиряпман?! — мақтанди қинғир йўл билан пул топувчи одам шеригига.

— Айтақол.

— Қасрмисан қаср — иморат. Сен нима қолдиряпсан?

— Мен ўғлимга одобдан мерос қолдиряпман, — дебди тўғрилик билан пул топувчи шериги.

— Шу ҳам меросми? — дебди уни менсимай пулдор.

Мероснинг қай бири улуғлигини йиллар ўз синовидан ўтказибди. Пулдорнинг ўғлида меҳр, андиша йўқлигидан қаср, чиройли уйидаги жанжал, тўполондан омади кетибди. Қаровсиз қолган уй нураб тушаётгандек. Унда на файз бор, на барака!

Хулқи хуш ўғилнинг оддийгина уйида эса ҳалол меҳнат ва тинчликдан борган сари фаровонлик.

Оталарнинг фарзандларига қолдирган одоб мероси олтиндан ҳам зиёдадир.

### ЗОТ

Эркатой ниҳол ўз тенгилари қатори деҳқон ва ер меҳрини тўйиб-тўйиб эмди. Ҳосилдан-чи, дарак йўқ.

— Эссиз, сенга кетган куч, харажатлар, — деди унга ниҳоллардан бири.

Эркатой жим, жим.

— Сенга сарф бўлган маҳаллий ўғит, дорилар ҳам менга бўлганда эди, ҳозирги ҳосилим икки баравар ошиқ бўлармиди?! — алам билан деди яна бири.

— Қанча гапирсангиз ҳам унга бекор, — деди шиға-шиға ҳосилли бир ниҳол. — Қонида қилча ҳамияти йўқ, таги паст — уруғи ярамас бўлса ундан нимани кутардик!

Қазими, қартами барибир зотига тортади.

### КИМГА АЧИНИШ КЕРАК?

— Яқин оғайним эди, ёш кетди-да, — дедим қабристондан қайтар эканман таниш отахонга.

— Оз яшаса ҳам соз яшади. Савоб ишни эса кўп қилишга улгурди, охирати обод бўлгур. Ёш кетди, деб ачинманг. Биласизми кимларга ачиниш керак? Тирик бўлиб сонда йўқ, юрт ва савоб ишга қайишмаган ялқовларга ачининг. Охирати чўл — дўзахларга ачининг...

Менда ҳам гоҳо жиндай ялқовликка мойиллик борлигиданми, отанинг сўзидан хушёр тортдим.

Отахон мудроқ отимни ғайрат қамчиси билан савалагандек бўлдилар.

### ГЎЗАЛ ХИСЛАТ

Қўл дастурхон тузарди.

— Бор ёнғоқнинг ҳаммаси тўқ бўлганда икки тарелка тўларди. Нима қилсамикин? — хаёлланди қўл.

— Ташвишланма, — хотиржам қилди уни ғалвирли ёнғоқлардан бири. —Тўқларимизнинг барини чақинг. Пучларини чақмай тагимизга жойланг. Тарелкалар тўлиб меҳмонга кулиб турсин. Озгина пуч — ёмонимизни яшириб, кўпчилик тўқ — яхшиларимизни кўз-кўз қилинг.

Инсоннинг ҳам яхшилигини ошириб, ёмонлигини яшириш гўзал хислатдир.

**Абдуғани АБДУЛЛАЕВ**

**Бундан беш йил аввал «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси» жамоат фонди ташкил этилган эди. Унинг саъй-ҳаракати билан кўп ўтмай алоқа тарихи музейи ўз фаолиятини бошлади.**

## МУЗЕЙНИНГ НОЁБ ЭКСПОЗИЦИЯСИ

Музей экспонатлари ичида бир-биридан ноёб электр алоқа узатиш ускуналари, телеграф узатиш-қабул қилиш аппаратлари, турли русумли ўлчов воситалари, коммутаторлар, телетайп, дастлабки телевизорлар ва бошқа жиҳозларни учратасиз.

Соҳа тизимидаги корхона ва муассасаларнинг ўзига хос дизайни, ашё ва коллекциялари ҳам эътиборни ўзига тортади. Бу ерда музейнинг қурилиши ва экспонатларининг йиғилишига оид видеофильмни махсус рақамли терминаллар орқали томоша қилиш имкони мавжуд.

1976 йилнинг 24 августида ойга ўзиюрар автоматик аппарат туширилганлиги кўпчиликка яхши маълум. Ушбу аппаратнинг асосий қисми ҳозирда «Теломах электроникс» деб аталаётган, собиқ «Коинот» корхонасида ишлаб чиқарилган эди. Музейга ташриф буюрганлар ушбу ноёб аппарат нусхасини яқиндан кўришлари мумкин. Музейнинг яна бир камёб экспонати мобил телефон алоқаси нусхаси ҳисобланади. Айнан шу мобиль телефон қурилмаси мамлакатимизда кенг ривож топаётган соҳанинг дебочаси вазифасини бажариб берган.

Шу ўринда мобиль алоқа компаниялари ва бошқа ташкилотлар томошабинларга манзур бўладиган даражада музей экспозициясини яратишга муносиб ҳиссаларини қўшганликларини айтиб ўтиш жоиздир.

**Анвар ВАЛИЕВ**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **14 декабрь** куни ҳаво бироз ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди, айрим жойларга туман тушади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи — 2-4 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 декабрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2734 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 1241

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.00 1 2 3 4 5